


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нархда



БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Республика давлат мулкани хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва шахсий секторни янада риволантиришга оид лойиҳа ҳужжатини имзолади. Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва институтлар, бир қатор маҳаллий ва чет эллик экспертлар, етакчи иқтисодчилар жалб этилган.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда республикамиз адлия, суд органларининг 1996 йил биринчи ярмидаги фаолиятига яқун ясалиб, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди, навбатдаги, вазифалар белгилаб олинди.

ЯНА БИР КОРХОНА

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони яна биттага ортди. Бу ерда Италия технологияси асосида чанқовбосди ичимликлар тайёрлайдиган завод маҳсулот бера бошлади.

АНИҚ ЧОРА- ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкда кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлди. У жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш яқунлари ва мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг 25 июл кўни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган галдаги вазифаларга бағишланди. Шунингдек, банк соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, бажарилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 26 июл кўни мажлисида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини 29 август кўни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди. Шу мажлисда 25 кишидан иборат депутатлар ишчи гуруҳи тузилди. 30 июл кўни ана шу ишчи гуруҳининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

ЭЪТИРОФ

Саудия Арабистонидан нашр этиладиган «Ал-Ҳазира» газетасида доктор Солиҳ Мухаммад Ҳатлоннинг Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Олим Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёсатта, республикамиз иқтисодий соҳаларда эришаётган ютуқларга юксак баҳо беради.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



СОҒИНЧ ГУЛЛАРИГА ЁЗИБ ОТИНИ,
ЁЗНИНГ ҚАНОТИДА ЎЗГАЧА ШЎХ-ШАЪН.

ҚАЛБЛАРГА УЛАШАР БАХТНИНГ ТОТИНИ,
ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН ЁРИШГАН ВАТАН.

УШБУ СОНДА:

3-БЕТ:

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

4-БЕТ:

БАЛОҒАТ БЕКАТИ

5-БЕТ:

«ОДАМЛАР УЧУН ЯШАДИМ»

8-БЕТ:

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ (ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ
САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР)



АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!

Тел: 363084
Тел / 343176
Факс:

КЕЛИН БЎЛГАН БИЛАР...

Фалончининг келини қайнонасининг ҳурматини жойига қўймабди, унинг хизматини қилмабди, кийинишни, ясанишни яхши кўради-кан, фалончи аёл фарзанд тарбияси билан яхши шуғулланмас экан, муомаласиз, қўпол экан, деган гаплар қўлоққа чалинади. Албатта, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, ахир. Лекин шу билан бирга қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Яқинда бир гуруҳ аёллар билан оила муаммолари, аёлнинг қувончу ташвишлари ҳақида гаплашиб қолдим. Оиладаги нохушлик, келишмовчиликка кимдир қайнонани, кимдир оила бошлиғи — эракни, яна биров келини сабабчи қилиб курсатди. Қули гул чевар Шарофат Жўраеванинг мана бу фикрлари даврадошлар диққатини тортди:

— Балки баъзиларга бу гапларим галати, ножоиз туллар, аёл аёлнинг ёнини олади-да, дейишлари турган гап. Лекин кези келганда гапириш, келинларни ҳам ҳимоя қилиш керак-да.

Янги тушган келинчак узог

билан тўйнинг учинчи куни тонг саҳарда қўлига супурги олиб куча, ҳовли супуришга чиқади. Негаки, янги келин бу билан қўни-қўшнилар олдида илк синовдан ўтади. Сув сеипб чангитмай, тозалаб супирдим — бу муҳими (тўғриси, келинлик фазилатларидан бири ҳам шу). Кейин челақ кўтариб оғилхонага — сигир соғишга ўтади, янги уст-боши ифлос бўладими, унга молхонанинг бадбўй ҳиди униқиб қоладими, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бир-иккита сигирни соғиб, сутини пишириб жойлаштиради. Нонустага ҳозирлик кўради, дастурхон безайди. Пазанда, уқувлигина бўлса, егулик тансиқ бирор нарса пиширади. Кейин яна қатор-қатор уй юмушларини бажаради: уй йиғиштириш, кир ювиш, тушлик, кечки овқат, нон ёпиш, қўтилмаган яна бошқа хизматлар, эҳе, айтаверсанг адоги йўқ. Яна унинг устига қайнота-ю қайнона, қайна-гачи-сингилу, қайнукаларнинг иззатини жойига қўйиш билан боглиқ юмушларни ҳам бажариш керак. Албатта, удли-шудли, чаққон, эпчил келин бўлса, бир амаллаб ҳаммасига улгуради, лекин ҳамма бирдек

эмас-да.

Ширин шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар кенгаши раиси Муътабар Дадабоева гапни шундай деб давом эттиради:


— Мен бир гапни айтмоқчиман, шу хонадон бекаси, — қайнона устириб улғайтирган қиз узатилгач узга хонадондаги шу каби юмушларни бекамму кўст бажара олармикан? Ахир, келин ҳам онасининг аяб, суйиб, эркалаб устирган қизи эмасми. Шу уринда мен баъзи ўта қаттиққўл, талабчан қайноналарга келинингизнинг урнига бир лаҳза бўлса-да ўз қизингизни қўйиб қуринг де-моқчиман.

Ахир, келин бояқиш тонг саҳардан қош қорайгунча тиним билмаса, узига қараш, оро бериш ўёқда турсин, бир пас ҳордиқ чиқаришга имкон топмаса. Ахир, у ҳам инсон, ёш, гузал, турли келинлик либосларини кийиб, қошига усма, кўзига сурма қўйиб, ял-ял яш-

наб юришни истайди. Қолаверса, узга уйга кўникиш осонми. Келинчаклик ҳам бир ўткинчи давр, ўтади-кетди. Фарзандли бўлгач, бу нарсаларга ўзи ҳам барҳам беради. Тўғрироғи, юмушлари янада қўпайиб, бола билан овора бўлиб қолади.

Қиз бола палахмон тоши дейишади. Тушган жойида қолиши, шу ўйни бир умр макон этиши, униб-усиши, туп ёзиб палак отиши керак. Суюкли шоира Турсуной Содиқова айтганидай: «Келин бўлмиш она-онасининг иссиқ бағрини ташлаб богингизни кўкартиргани, аёлликнинг дузахий азобларини бўйнига олиб, ўғлингизни узидан қўпайтиргани келади».

Холида ПАРДАБОВЕВА



•Муассисларимиз фаолиятдан БАЙРАМОЛДИ РЕЖАЛАРИ

Болалар жамғармасининг Бухоро вилоят бўлимида истиқлолнинг 5 йиллиги олди-дан турли тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Жумладан, бу байрам арафасида вилоятдаги болалар уйлари, етим-есир, ногирон болаларга, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилалар фарзандларига 30 минг сўмлик кийим-кечак хайрия сифатида тарқатилади. Вилоятдаги 2 мингга яқин ҳомийлик ва васийликка олинган болаларга ҳам жамғарма томонидан моддий ёрдам берилади.

Шунингдек, вилоят болалар жамғармасининг ташаббуси билан «Истиқлолнинг абадий бўлсин, юртим» мавзуида болалар кўрик-танлови ўтказилади. Қолаверса, кутлуг байрам олдида «Бухоро — шарқ гавҳарисан» деб номланувчи тарихий-бадий кўрик-танлов уюштирилиб, танлов кўҳна Бухоронинг 2500 йиллик юбилейига бағишланади.

Бухоро давлат кўғирчоқ театри эса бу сана муносабати билан янги спектаклларни туҳфа этиш орқали кичиктоиларни хушнуд этмоқчи.

Ўз мухбиримиз

КЎНГИЛДА БИР ОРЗУ

Бу бахт кошонасида ишлаётганимга 20 йилдан ошди. Шу даврда қанчадан қанча келин-куёвларга бахту иқбол, садоқату вафо, оппоқ тонгдек беғубор тилаклар тиладим, қувончларига шерик бўлдим. Не-не висолга, бахтга орзуманд қизларга сирдош бўлиб, қалбига қўлоқ тутдим.

Ҳар гал дўсту дўгоналари, яқинлари даврасида бу ерга қандам ранжида этган келин-куёвларга ҳавас билан разм солар эканман, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббати, садоқату вафоси бир умрликмикан, бир-бирларига бўлган ишончлари йиллар ўтиб сўнмасмикан, деган хавотир ҳам ўтади ҳаёлимдан. Шаҳарда ўзим никоҳ-

дан ўтказган кўплаб келин-куёвларнинг оилаларини биламан. Тинч-тотув, аҳил яшаши, ўғиллари одобли, қизлари ҳаёли, иболи, ҳавас қилса арзигудек. Яна бир нарса қалбимга алоҳида қувонч бағишлайди. Бир неча йиллар олдин шу ерда никоҳдан ўтиб, турмуш қурганларнинг фарзандларини никоҳдан ўтказар эканман, ўзимни чексиз бахтиёр ҳис этаман. Масалан, Мамедовлар никоҳдан ўтишганда киз кўрсак исмини Дилором қўямиз, дейишганди. Ният қилганларидек, тўғилчлари қиз бўлди. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Яқинда ўша қизни — адашим Дилоромни никоҳдан ўтказдим.

Баъзан мендан йигит билан қиз никоҳдан ўтиш учун ариза беришгач, бир ой синов муддати берилади, бу давр уларнинг бир-бирларини яқиндан билишлари, синашлари учун оз эмасми, деб сўрашади. 1995 йил ноябр ойида чиққан йўриқномага асосан, шаҳар ва туман ҳокимларининг қарори билан бир ойлик муддатни қисқартиришимиз, шунингдек, оилаларнинг шарт-шароитини ҳисобга олиб никоҳни қайд этишни уч ойга чўзишимиз ҳам мумкин. Айтмоқчиманки, гап бир ойлик муддатнинг кўп ёки озлигидега эмас. Энг муҳими, икки ёш бир-бирини тушуниб, қадрлашида.

Шу ўринда мен қизларимизнинг ҳаёли, иболи бўлишлари билан бирга сабр-тоқатли, бар-

дошли бўлишларини жуда-жуда истайман. Оилада бўладиган айрим қийинчиликларни, рўзғор ташвишларини енгган, турмуш ўртоғига сўяниқ, ҳамфикр бўлган аёл қадрли, суюкли бўлишига шубҳа йўқ. Шу билан бирга эракларимиз ҳам аҳли аёлларидан бир оғиз ширин сўзларини дариг тутмасалар, уларнинг кўнглини олишга интисалар, рўзғорларидан барака аримаслиги тайин.

Қалбимнинг тубида ётган бир орзу борки, бугун уни айтиб ўтмасам бўлмас. Бошқа шаҳарларга, вилоятларга борганда «Бахт уйлари» алоҳида, кўркам биноларда жойлашганини кўриб ҳавасим келади. Афсуски, шунча йилдан бери бизнинг «Бахт уйи»мизга алоҳида бино ажратиш ёки янгисини қуриб бериш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Ҳозир биз худди ижарада яшайдиган талабадек, «Зангори экран» корхонасига қарашли бинонинг бир қисмини эгаллаб турибмиз. Шаҳримизга биринчи бор келган кишигина эмас, айрим ҳамшаҳарларимиз ҳам дабдурустдан биз макон этган жойни тополмай қийналадилар. Тўғри, шароитимиз яхши, хоналаримиз кенг ва ёруғ, катта никоҳ залимиз бор, жиҳозларимиз ҳам етарли. Лекин юқорида ёзганимдек, кўнгилда бир орзу бор-да.

Дилором АБДУЛЛАЕВА, Гулистон шаҳридаги «Бахт уйи» мудири вазифасини бажарувчи

Оиланда гап кўч

ФИРЪАВНЛАР СИРИ

8 йилдан бери Мисрда қазилар ишлари олиб бораётган инглиз археологлари эрамиздан олдинги 6000 йилга мансуб мўминланган жасадларни топишди. Қизиги шундаки, бу мўминлар текшириб қўрилганда, уларнинг тери тўқималари инсонникидан анча фарқ қилиши маълум бўлди. «Демак, Миср фиръавнлари инсоннинг қандайдир фанга номалум турлар, тўғрироғи космик келгиндилар билан чатишувдан дунёга келишган дейиш мумкин», деган хулосага келишди олимлар.



СЕН МЕНИНГ ВАТАНИМСАН!

Фарход АЛИМОВ мусикаси
Хуршид ДАВРОН шеъри

Қадим мозий бешиги,
Абадият эшиги,
Мангу ёш чаманимсан,
Сен менинг Ватанимсан!


Туркистону Туронсан,
Эркин Ўзбекистонсан,
Ҳам жоним, ҳам
танимсан,
Сен менинг Ватанимсан!

Тумарису Широқсан,
Сино еққан чироқсан,
Яшил барг суманимсан,
Сен менинг Ватанимсан!

Навоийнинг сўзисан,
Улугбекнинг кўзисан,
Яссавий, Нақшбандсан,
Сен менинг Ватанимсан!

Амир Темур суйган юрт,
Бобур дили куйган юрт,
Қувоқчим, аламинсан,
Сен менинг Ватанимсан!

Эрка узоқ зор
булдинг,
Йуқ булмадинг, бор
булдинг,
Истиқлолга ёр булдинг,
Сен менинг Ватанимсан!



ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

ШОГИРД САДОҚАТИ

Халқимизнинг икки ажойиб фарзанди — IX асрда яшаб ижод этган икки буюк муҳаддислар Муҳаммад Ал-Бухорий ва Абу Исо ат-Термизийларнинг дўстлиги, ўзаро ҳамкорликлари муаррихлар томонидан қайд этилган. Маълум бўлишича, имом ал-Бухорийдан ўн тўрт ёш кичик бўлган ат-Термизий уни ўзига устоз деб билган. Ал-Бухорий умрининг охирларида шарқнинг йирик илм-маданият маркази бўлган Нишопурда беш йил яшаб мадрасасида ҳадисдан дарс берганда ат-Термизий ҳам бу ерга келган эди. Икки улкан муҳаддис олим бу шаҳарда бир канча муддат ижодий ҳамкорлик қиладилар. Улар ўрта-сида қизгин илмий баҳслар, яқин мулоқотлар бўлиб ўтади. Ат-Термизий устозидан кўп нарсалар ўрганади. Ал-Бухорий тиришқоқ, қобилиятли шоғирди ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолайди ва: «Мен сендан кўрган фойда, сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқдир», — дейди. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлади. Унинг шоғирдлик садоқати бора-

сида араб муаррихи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг «Тазкират ул-хуффоъ» (Хофизлар ҳақида тазкира) асарида шундай деб ёзади: «ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ аламга ботиб, кўп йил-лаганидан ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолди, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади».

ДЕВОНА ХУСОМИЙ

Асли Хевак (Хива) дан бўлган Девона Ҳусомий ўз ҳаёти-ни ҳақ йўлига бағишлаган, бу дунёнинг молу дунё, борди-келдиларидан этак қроқан дарвеш ва ўткир шоир бўлган. У бир сафар қаландарлар жамоасига қўшилиб, ҳаж зиёратига кетаётганда йўлдаги вилоятлардан бирининг ҳокими уни тўхтатиб: «Девона Ҳусомий, мендан бирор нарсани тиланг», — дебди. Шунда Ҳусомий унга жавобан: «Авалло, сенинг хайр-саховатингга эҳтиёжим йўқ. Башарти бирор нарсани тилашимни хоҳласанг буюргилки, манови пашшалар менга кўнмасин!» — дебди. «Ахир, пашшалар менинг буйруғимга қулоқ солмайди-да», — дебди ҳукмдор ажабланиб. Шунда Ҳусомий: «Буйруғига ҳатто пашшалар ҳам қулоқ солмайдиган кимса бировга нима ҳам бера оларди?» — дебдию йўлига ра-

вона бўлибди.

САЛЛАСИНИ ШАМОЛ УЧИРГАН МАВЛОНО ФОНИЙ

Ноёб истеъдод эгаси бўлган Мавлоно Фониининг турмуши ночор кечган. Бир куни у не қийинчиликлар билан қўлга киритган эски салласини шаҳар ташқарисидagi анҳорда ювиб ўтирган экан, иттифоқо шамол кўзғалиб, саллани учириб кетибди. Мулло салла кетидан юғурай деса, кўзига чанг кириб, юра олмабди. Сўнг, ночор бош яланг йўлга тушишга мажбур бўлибди. Бу ҳолдан шаҳар ҳокими хабар топиб, дарҳол бир киши орқали пул тўла ҳамён юбориб, муллога билдирмасдан, унинг йўлидаги кўприкка қўйиб келишни буюрибди. Аммо мулло кўприкка етгач, туйқусдан ҳаёлига кўрлар кўприкдан қанақа ўтаркан, деган фикр келиб, кўзларини чирт юмганча, кўрлардай қадам босиб ҳамёни кўрмасдан ўтиб кетибди.

«Бу шоир олим тоифасининг омади молу дунё топишда доимо тескари юради ўзи», — деб қўйинади «Музакири ахоб»нинг муаллифи бу ҳикоятни келтириш билан.

ТЕША, РАНДА ВА АРРА ҲИКОЯТИ

Масал — ҳаётий ҳақиқатни мажозий тарзда тасвирлашнинг ажойиб воситаси сифатида улуг ижодкорларга ҳаммаша қўл келганлиги маълум. Жумладан, Ҳасанхожа Нисорий ўз «Музакири ахоб» ида Мавлоно Касирий деган бухоролик шоир ҳақида маълумот бера экан, унинг касби нажор (дурдгор)лик эканини айтиб, шу касбга оид асбоб-ускуналар воситасида унинг хислатларини, феъл-атворини тасвир этади.

«Қайси ишга қўл урмасин, уни бошқалардан ортиқ даражада уддалаган. Инсоф қондасига амал қилиб, тешага ўхшаб ҳадеб ўзи томонга тортавермас, рандага ўхшаб ўз манфаатидан қуруқ ҳам қолмас, балки арра янглиг адлу инсоф, ўртамиёналик билан иш тутар экан». Нисорий бу ҳақда шундай назм келтиради:

Чун теша ба суи хеш доим
матарош,
Чун ранда зи кори хеш бебахра
мабош.

Пайваста чу арра бош
дар илми маош,
Чизе суи худ мекаш ва
чизе мепош.

Яъни: тешадек доим ўзинг томон йўнаверма, ранда каби ўз ишингдан бебахра ҳам қолма. Тирикчилик илмида аррага ўхша, бирон нарсани ўзингга ҳам торт, бирон нарсани бошқалар томон ҳам соч.

ҲАЖ ЎРНИГА...

Ҳазрат амир кабир Алишер Навоийнинг давлат ишлари ва ижоддан ортиб Макка тулоҳга — ҳаж зиёратига бормоқчи бўлгани, аммо дўсти Хусайн Бойқаронинг илтимоси билан (унинг ўғиллари Кепак Мирзо ва Абулмуҳсин Мирзолар оталарига қарши бош кўтарган ва фахат Алишер Навоийгина бу исёнларни бостира олиши мумкин эди) бу сафардан қолганлиги тарихдан маълум. Шунда Навоий ҳаж сафари ўрнига яна бир диний савоббахш вазифа — ўзини авлиё Абдулла Ансорий мазорига «жорубкаш» («супрувчи») этиб тайинлашларини сўрайди.



Кейин эса бу маросимни ўтказиб, фахрий шайх унвони билан мазор жойлашган Козургахда анча туриб қолади ва ўша жойнинг ободончилиги ишларига бош-қош бўлади.

Хуросоннинг хуштаб, ҳазилкаш шоири Мавлоно Аҳмадий ҳазрат Навоийнинг Абдулла Ансорий мазори шайхлигини қабул қилганлигига ҳазил байт-ни битган экан:

Эй, мири кам июноту
бисёр нози ман,
Козургахдир шайхи
алоқа дарози ман.

Яъни: Эй, кам июнотли ва нози кўп амирим, козуркахлик салласининг печини узун ташлаган, амирим...

Ҳа, амираи кабир ҳазрат Алишер Навоий улуғлар мазорини обод қилиш ҳаж зиёратидан беҳроқ эканлигини идрок этган улуг зот эдиларки, Ҳасанхожа Нисорий «Музакири ахоб» да бунга яна бир бор тўхтаб ўтганлар.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ
тайёрлади

Оланда ган кўн

РУҲЛАР ЎЙНИ

Меҳнатқил Жолли Хосе Жавиер моддий жиҳатдан жуда қийинчилик қолган пайтда қизи, тўғрироғи марҳум кизининг руҳи унга кўмакка келди. Руҳ заргарлик буюмлари дўконидан бриллиант тақинчоқ келтиради. Лекин шу пайтда дўконда бўлган полициячилар тақинчоқни олиб кетаётган оппоқ булутнинг изидан бориб, Хосени қўлга олишади. Аммо унинг айби бўлмаганлиги учун тезда озод қилишади. Шундан кейин Хосе Жавиер жуда машҳур бўлиб кетади. Телевидение ва радиодаги чиқишлари учун бир неча юз минг доллар ишлаб олади.



Мана, Нилуфардан мактуб олганига уч кун бўлибди. Жа-воҳир уни ҳар кун қайта-қайта ўқиса ҳам, жавоб ёзишга ки-ришдим дегунча, юрагида ту-гиб қўйган гапларини қорозга туширишга ожизлик қиларди, тўғрироғи, қайта-қайта ёзарди-ю, йиртиб ташларди. Мактуб-нинг ҳар бир сатри ёд бўлиб кетган бўлса ҳам, ёлғиз қолди, дегунча унга тикилиб ўзоқ-ўзоқ-ларга хаёллари узра қанот қо-қиб ўчгиси келарди. Аммо эн-ди учинчи машқ қилаётган па-лопон сингари қайтиб ерга ту-шиб, азоб чекарди. Бу азобни унга тақдир аталмиш аччиқ ҳа-қиқат бир умрга йўлдош қил-ганди. Ҳаётдан нолимаса ҳам гоҳда бу ҳаётда ортиқчилиги-ни сезиб қоларди. У яна мак-туб билан дардлашмоқ истаги-да унга тикилди:

«Салом, Жавоҳир ака!»

Негадир сизга мактуб ёза-ману, кўнглимда ўқтин бир оғ-рик ҳўмронлик қилмоқда. Ам-мо оғрик қанчалик юрагимга, санчилмасин, майин бўлиб мен-га хуш ёқади. Чунки у оғрикни, сиз менга ўша биринчи бор тўк-наш келганимизда «Салом, Ой қиз» дея ўткир нигоҳингиз ила, бир умрга муҳрлагансиз. Ҳа Жавоҳир ака, сиз уни қалби-га солдингизу, ўзингиз, бир-ик-ки кўриниш бериб, кетдингиз! Ўша вақтлар ўлимимга ҳам ро-зи бўлиб яшадим, негадир сиз-нинг уйланганингизга ишонгим келмасди...

Йўқ-йўқ, менда кўнглингиз борлигини дилингиз, кўзингиз маълум қилиб турарди. Мен

сизни ҳар гал уйимизга — акам-нинг олдига келишингизни қан-чалик интизорлик билан кут-май, нигоҳингиз билан қарама-қарши келишдан шўнчалик кўр-қардим. Бир марта чой олиб қўганимда, ўша нигоҳингиздан чойнақни тушириб юборганман. Ҳа уйдагиларимнинг ҳам бун-дан хабарлари йўқ эмасди, онам ҳам сиз-ни кўв қила-ман дея, кўш-нимиз, дуго-нам Гулмира-нинг онаси би-лан қилган гу-рунгини эши-тиб, шу кун и ўзимда йўқ бир севинч ила учиб юр-дим. Кувонч-ларим, соф севгим ўзоққа чўзилмади, ни-малар қилиб қўйдингиз. Эй, қани энди улар ҳам бизни ту-шунишсалар. Хатто яқин дўстингиз акам ҳам ту-шунмади. На-ҳот мени бош-қага узатсалар, айбим нима эди, ёлғиз қиз бўлиб туғилган-нимми, наҳот тақдирим шу бўлса...

Бу мактуб унга ёд бўлса-

да, негадир бугун унинг даво-мини ўқий олмай, Жавоҳирни-нг кўзларига биринчи бор ёш қалқди, дераза ёнига бориб тирқишини очиб юборди. Уйга совуқ ҳаво бостириб кириб хо-на узра ўз таъсирини ўтказа бошлади, ташқарида эса майин ёмғир майдалаб тушиб туриб-ди, қуриган мажнунтол тагига сув ййилибди. Бу манзара ун-га ёқмади. Жавоҳир деразани ёпиб, жойига ўтириб яна мак-туб бита бошлади. Аввалига бир-икки қороз увол бўлгач, кў-нглидаги бор гап қороз юзини кўра бошлади.

«Салом, Нилуфар!»

Ҳаётда шундай воқеалар бў-ладики, инсон чуқоли каби ер билан осмон ўртасида чирпи-рак бўлиб айланиши ҳеч гап эмас.

Мен ҳам, қолаверса сен ҳам, шундай, ҳаёти, тақдири чир-пирак бўлиб, бу чархи қажраф-торда ожиз бандаларимиз. Бу даҳри дунёда менинг пешо-намга Оллоҳимнинг битганла-ри ўзингга маълум. Мана шу битикни инсон қай даражада бўлсада ўзи ҳам яратар экан. Мен шуни истардимки, сен ўз тақдирингни ўзинг яратмоқчи экансан, бу йўлда адашмагин дейман. Кўнгил-кўнгилдан сув ичиб яшар экан, бирга яшаш-нинг ҳеч ҳожати йўқ. Ҳаётда шундай тақдирлар борки, бит-та уйда яшасалар ҳам кўнгил-лари бари бир ўзгаларда бў-лиши мумкин ёки унинг акси. Мен бу дунёда кўнгил учун яшаб ўрганганман, демокчи-манки, кўнгил бандасиман, сен ўзинг учун бир ўйлаб кўр: ме-ни танлаб тўғри қилдингми, биз қачонлардир бирга бўлдик

ҳам дейлик, ле-кин ота-онанг, акаларингнинг тутган йўли, қил-ган беоқибатлик-лари менинг юрагимдан у ду-нё-бу дунё кет-майди, кечир-майман. Агар ик-кимизнинг муно-сабатимизда, менинг заррача айбим бўлса ота-онангдан узр сўраган бўлар-дим. Мени тан-лашингизда сени мажбур қилган-ним йўқ, ваҳо-ланки менинг ҳаётим сенга беш қўлдай маълум эди. Уйланган эдим, болам бор эди. Мен сени ёқтир-ган бўлсам, соф беғубор кўнглим билан ёқтирган эдим. Бундан кейин мендаги шу туйғу юра-гимда қоладими йўқми вақт кўр-

жамини, лекин ота-онанг, акаларингнинг тутган йўли, қилган беоқибатлик-лари менинг юрагимдан у дунё-бу дунё кетмайди, кечирмайман. Агар иккимизнинг муносабатимизда, менинг заррача айбим бўлса ота-онангдан узр сўраган бўлардим. Мени танлашингизда сени мажбур қилган-ним йўқ, ваҳоланки менинг ҳаётим сенга беш қўлдай маълум эди. Уйланган эдим, болам бор эди. Мен сени ёқтирган бўлсам, соф беғубор кўнглим билан ёқтирган эдим. Бундан кейин мендаги шу туйғу юрагимда қоладими йўқми вақт кўр-

Яна ёмғир ёғаяпти

жамини,

Осмоннинг чоклари

сўкилган.

Мажнунтол оёғи остига,

Қўлмакча-ёмғир сув

ийилган...

Улуғбек МИРЗО АХРОР



ТЕСТ — СИНОВ МЕЗОНИ

«Тест» сузи лугавий бойлигимизга кириб келиб, ҳаётимизда оммавийлаша бошлади. Мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда абитуриентлар ривож-ланган давлатлардаги сингари тестлар асосида олийгоҳларга қабул қилинапти. Аини дамларда рес-публикамиз олийгоҳлари кундузги булимларига ҳуж-жат топширган абитуриентлар тест синовларидан ўтаёттилар. Уларнинг барига бу борада омад тилаб, «тест» тарихидан айрим маълумотларни эътиборин-гизга ҳавола этмоқчимиз.

«Тест» инглизча сўз бўлиб, синов, тадқиқот маъноси-ни ифодалайди. Тест илк бор 1864 йилда Буюк Брита-нияда руҳшунос олим Жорж Фишер томонидан толиб-ларнинг билимини текшириш воситаси сифатида қўл-ланган. Унинг биринчи назарий асосларини эса инглиз руҳшуноси Галтон 1883 йилда ишлаб чиқади.

XX асрнинг бошларида психологик ва педагогик йу-налишдаги тестлар ишлаб чиқарила бошланди. Бирин-чи стандартлаштирилган педагогик тестни эса америка-лик олим Э. Торндайк тузишга муваффақ бўлади.

Собиқ иттифоқда тестлар тузиш ва уларни қўллаш XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. 1926 йилда мактаблар учун тестларнинг стандартлаштирилган илк сериялари чоп этилган.

«ЭЙС ОФ БЕЙС»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«Олл зэт ши вонтс» (у истаган на-рас) қўшиғи билан бир кундаёқ Герма-ния, Дания, Швеция, Норвегия, Гол-ландия ва Австрия хит-парадларининг чўққисини забт этган шведиялик «Эйс оф бейс» ансамбли ҳақида мусиқа ва қўшиқ ихлосмандлари озми-кўпми би-лишса керак. «Эйс оф бейс» деганда авваламбор Бергтгренлар оиласи ва Ульф Экберг тушунилади. Гурӯҳ 1990 йилда ташкил этилган. Уларни жаҳон-га танитган дебют албому — «Хаппи нейшн» (Бахтли миллат) дея номлана-ди.

Бергтгренлар оиласида энг кичкина, ан-самблда эса энг хушовоз хонанда ҳисоб-ланган Женни 1972 йилда туғилиб, қиза-лоқлигида малика бўлишни орзу қилар-ди. Ўсмирлик орзулари эса унинг қалби-да врачлик касбига ҳавас уйғотди. Аммо у мактабни тугатгандан кейин казинода ишлай бошлади. Казинодан эса кафега официантка бўлиб ишга ўтди. Хуллас, моддий қийинчиликлар Женнини болалик-да орзу қилган романтик оламдан ўзоқ-лаштираётган эди. Ва ният у универ-ситетга ўқишга кирди. Бирданига гимна-зия ўқитувчиси бўлишга қизиқиб қолди. Аммо тақдир уни барча алдамчи ҳавас-лар уммонидан олиб ўтиб, мусиқа ва қў-шиқнинг сеҳрли оламига элтиб ташлади. Женни расм чиқишга, спорт билан шу-ғулланишга жудаям қизиқади.

Ансамблининг иккинчи хонандаси Мэ-

лин 1970 йил 31 октябрда туғилган. Уни ўртоқлари «Линн» деб ҳам чақи-ришади. Аввал ҳамшира бўлиб иш-лаган Мэлин кейинчалик университетга ўқишга кирди. У бўш пайтларда му-сика эшитишни, рақсга тушишни ёқти-ради.

Қизларнинг акиси Жонас Бергтгрен эса 1967 йил 21 мартда туғилган бўлиб, «Эйс оф бейс» ансамблининг барча куй, қў-шиқларини ўзи ёзади. Жонас мусикадан ташқари сиёсий, ижтимоий фанларга ҳам қизиқади. Бундан 6 йил муқаддам Жонас кафеда Ульф Экберг исмли йигит билан танишиб қолади. Шунда улар гурӯҳ ту-зиш тўғрисида ўзаро келишиб олишади. Шундан бери Ульф ва Жонас ҳамкорлик-да ансамблга қўшиқлар ёзиб келишади.

Дарвоқе, Ульф ҳақида. У 1970 йил 6 декабрда туғилган. Асли гётеборглик. Ульф 3 йил денгизда сайр қилди, ёш-ларнинг фашистик гуруҳига аралашиб қолди. Ва ният «Эйс оф бейс» ансамб-лида унга омад қилиб боқди.

«Эйс оф бейс» — ёшларнинг энг яхши кўрган ансамблларида бирига айланган. Улардаги янги-янги изланишлар, ўзаро яқин, қолаверса, ижодий ҳамкорликлар бундай йотқунинг омили бўлса керак. Аини пайда ижоддан чарчамайдиган шведия-лик бу гуруҳнинг «Бютифул лайф» клипи катта шов-шувларга сабаб бўлиб, дунё кезмоқда.

Салоҳиддин СИДДИҚОВ тайёрлади

Бундан атиги 5-6 йиллар муқаддам ҳам «одамлар учун яшадим, жамият фаровонлиги учун меҳнат қилдим», деган гаплар бизга эриш туюлмас эди. Одамлар учун яшаш деганда беихтиёр кўз ўнгимизда «Коммунист» филмидаги ўша олов йигит, «Пўлат қандай тобланди» китоби қахрамони Павел Корчагин, «Гўзал кунлар албатта келади, Маъсума» дея жон бераётган Абдулла Навибев гавдаланарди. Энди эса давр ҳам, дунёқараш ҳам ўзгарди. Бугун фуқароси бахтиёр бўлмаган давлат ҳеч қачон қудратли бўлмаслигини англадик. Ўзбекистонда анчагина машҳур бўлган учувчининг ҳаётини кўрганда ҳаёлимдан боғиғи фикрлар ўтди. Даврининг худбин фарзандидан кўтиш мумкин бўлган саволни бериш:

— Ту, ИЛ сингари самолётларни биринчи бўлиб бошқарган учувчи учун охири-оқибат битта ҳовли топилмабди-да.

Юсуф Давлатовичнинг кексалик ҳам енголмаган қора кўзларидаги чакноқликка парда тушгандай бўлди. Сарғайган суратлар, хотиралар тўла албомга нигоҳини тикканча деди:

— Одамлар учун яшадим, қизим.

... Ёрмозорда мулла Давлат Ниёзов номини яхши билишадди. Кишлоқда биринчи шўро мактабини очган, ёшу қарини илм-маърифат нуридан бахраманд этган донишманд инсон бўлган у киши.

У кишининг фарзандларидан бири — Кундузхон Ниёзова ҳозирда оталарининг номи билан юртилувчи мактабда 40 йилдан зиёд она тили ва адабиётдан дарс берди.

Мулла Давлат Ниёзовнинг яна бир фарзанди, наинки Ёрмозор, балки Фарғонада ягона ўзбек учувчиси бўлмиш Юсуфхон Ниёзовдир.

... Унинг бу туши тез-тез такрорланиб турарди. Ҳар гал ҳам ўз «лочин»ини фашист самолётлари устига тикка солаётган бўларди. Юсуфхон уруш бошланган кезларда пиёда қисмларда жанг қилиб юрарди.

Қисм командири унинг Ленинграддаги авиатехниклар тайёрловчи билим юртини тугатганлигини билгач:

— Учишни истайсанми? — деб сўради.

— Истаганда қандоқ, ўртоқ командир, — «тайёрман» дегандай ўнг кўлини чеккасига тиради Юсуфхон.

Уруш азоб-уқубатларини бошдан кечирган жасур бу йигитни командир яхши кўрарди. Юсуфхон мерганлиги учун доимо унинг ёнида юрарди.

— Мерганлигинг самолётда ҳали жуда кўл келади, оқ йўл, дўстим, — командир жангоҳлар машаққатини бирга тортган, биродаридай яқин бўлиб қолган сафдоши билан кучоқлашиб хайрлашди. — Худди Гастелло каби ботирлигинга ишонаман.

Бугуруслан шахрида жойлашган ҳарбий учувчилар тайёрлов мактаби, Борисочлабскадаги қирувчи самолёт учувчилари билим юртида самолётларни бошқариш сирларини астойдил ўрганди. Гоҳ-гоҳ Юсуфхонга олис Фарғонадан мактублар

«ОДАМЛАР УЧУН ЯШАДИМ»

дейди ўзбекистонлик қалдирғоч учувчилардан бири
Юсуф Давлатович НИЁЗОВ

келарди. Отанинг соғинч тўла хатларини ўқиркан, сўлим кишлоғи, тиниқ сувли сой қирғоқларида соч ёзган қиздай солланган толлар, мунис онажони ҳаёлидан ўтарди. Соғинч унинг тушларида ҳам зуҳр этар, жигаргўшаларининг кўз ўнгига Фарғона осмонидан немис «Миссершмидт»ларининг қанотига ураётган бўларди.

1945 йилнинг май ойи. Курсантлар машқ майдонида парашютдан ташлаётган эдилар. Радиокарнайлардан Левитаниннинг Гитлери ҳам саросимага солган салобатли товуши янгради. Боши учун фашистлар миллион ваъда қилган диктор

совет кўшинларининг ғалабаси ҳақида қудратли овозда ҳаҳонга жар солмоқда эди.

«Ҳар қандай ҳарбий самолётни бошқаришнинг сир-синоатини ўрганиб олганимда-я! Бир марта бўлсада осмон жангида қатнашсам, армоним йўқ эди», кўнглидан ўтди Юсуфхоннинг. «Миллионларнинг ёстигини қуритган қирғинбарот тугаганига шукр қил, инсон», ўзини-ўзи койиб ҳам қўйди.

Фарғонага қайтгач, ишни эски касби — ўқитувчиликдан бошлашга бўйни ёр бермай юрди. Унинг кўн-

ғимли бир ибора бор, ўрисчасига «лёгкая погода», дейдилар. Лекин ҳаво очик кунларида осмонга кўтарилсангизда, бир соатдан кейин куёш кўринмай қолиши ҳеч гап эмас. Тошкентдан Москва, Пятигорск, Евпатория, Одесса, Челябинск, Симферопол сингари ҳаво йўллари бўйлаб учамиз. Эҳ-ҳе, не-не ишлар бўлиб ўтмайди дейсиз, аслида, сокингина бўлиб учайтгандай туюлувчи ҳаво кемаларида!

Ёз ойлари эди. Тошкент — Тбилиси — Симферопол маршрути бўйича парвоз қилардик. Ҳаво йўлига тушиб олган ҳам эдикки, Тошкентда қаттиқ шомол турди. Секундига 20-25 метр тезликда эсарди шомол. Бизлар эса 11 минг метр баландликдамиз-ку, аммо шомол таъсири сезилиб турарди. Устига-устак Самарқанд, Ашхобод аэропортлари ҳам ёпирилган. Красноводск ёки Бокуга кўнаrmиз десак, у ерларда ҳам кўналғалар тақа-тақ бер-

рк. Тбилисига яқинлашарканмиз, секундига 34 метр эсаётган шомол тезлиги қуцайяпти, деган ахборотни олдик. Кейин бу шомол бўронга айланди. Кавказ тоғли ўлка, сал адашдингми, тамом, қояларга урилиб кетиш ҳеч гап эмас. Бўрон ўз қудратини ўтказиб самолётимиз силкинётган пайтда кўни тўғрисида бўйруқ бўлди. Таҳликали онларда ҳеч бир учувчи ўзини ўйламайди, бола-чақасини ўйламайди, унга ҳаётини ишониб топширган йўловчиларни эсон-омон ерга тушиши пайида бўлади. Шомол самолёт йўналишини ўзгартиришга, қояларга тортишга зўр бераётганда штурвални шунақа қаттиқ ушлабманки, эсон-омон ерга кўнганимизда бармоқларимни аранг бўшатиб олдим...

Бундай воқеалар айтаман десам бир китоб бўлади, газетага сиймайди, қизим.

— Миллионларингизни кўрсатинг қизингизга, — деб қолди Иноятхон ая. У киши учувчимизнинг рафиқалари, қирқ йил бирга ҳаёт кечиришди. Юсуф Давлатович айтмоқчи атрофларида яхши одамлар кўп бўлганлиги, ажойиб дўстлари борлиги учун ҳам яхши яшадишди.

Учувчининг миллионлари. Одамлар оғирини енгил қилиш билан ўтган умр миллионлари.

— Бу нишон бир миллион километр учганимда берилган, буниси уч, беш... 14 миллион километрик ҳаво йўлини босиб ўтдим. Мана бу — «Хурмат белгиси» ордени, ҳозирги ёшлар бундай нишонларни менсимайди, лекин биз, кексалар учун бу темиртаклар ҳам қадрли. Жасоратга тўла қалбнинг неларга қодирлигидан, куч-ғайратга тўла онларнинг беҳуда ўтмаганлигидан дарак беради нишонлар... — учувчи шартан нигоҳларини девордаги улкан самолётлар суратига қадайдди. — Мана, энди қаридик, учиш қайда, фақат тушларингизда учасан.

— Хумори тутадими? — унинг кўнглига озор етказиши мумкин бўлган савол бериб қўйилган ўзимни тутиб сўрайман.

— Тутганда қандоқ! Самолётлар гулдириб ўтганда юрагим зирқираб осмонни кўмсайди, учгим келаваради...

Биз учувчилар учун гоёт яқин ва

Махфуза УСМОНОВА

«ПОЛВОНТОШ»НИНГ СИРИ

Сиз суратда кўриб турган бу тошнинг оғирлиги олти пуд (96 кг.)дир. Уни маҳаллий аҳоли, тўғрироғи, Яқкабоғ туманида яшовчилар «Полвонтош» ҳам дейишади. Айтишларича, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ёшлигида бу тошни кўтаришни машқ қилиб, Хўжайл-гор тепалигига ҳеч қийналмай олиб чиқиб, тушарканлар.



Баъзида ўйланиб қоламан. Нега ўтган аср охирида ўлкамизга бостириб қирган келгиндиларнинг ушбу тошга кўзи тушмайдикин? Балки улар тош билан боғлиқ ривоятларни эшитмагандир? Йўқса, бугун «Полвонтош» ҳам Санкт-Петербург шахридаги Эрмитаж залларидан бирига чирой кўшиб турармиди...

Шу каби ҳаёлларга берилиб, беихтиёр яккабоғлик отахонларнинг ривояти ёдга тушди. Унга кўра, кимда-ким яхши ниятлар билан покляниб, бу тошни кўтаришга жазм этса, (ҳатто ёш ўспиринлар ҳам) бемалол бунинг уddасидан чиқар, кимки беписандлик билан келиб тошни кўтаришга уринса, шу ондаёқ бели майиб бўлармиш.

«Полвонтош»дан бошқа ҳам ўлкамиз тарихини ўзида мужассамлаштирган, ҳали ўрганилиши керак бўлган манбалар кўп. Менимча, бу каби осори-атиқалар, моддий ва маънавий ашёларни чуқур ўрганиб, илмий таҳлил этиш керак.

Норали АСЛОН ўғли

Онада ган кўн

**ЭКСКАВАТОРЧИНИНГ
БАХТИ**

Москва яқинидаги қишлоқлардан бирида ер қовлаётган экскаваторчи икки метрлар чуқурликдан кўзача топиб олди. Унинг ичидан Иван Грозний даврига мансуб 114 дона тилла танга чиқди. Умрида ойлик маошидан бошқа даромади бўлмаган, қўлига ҳеч қачон йирик миқдорда пул ушламаган экскаваторчи энди давлатдан ўзига тегишли мукофотни олиб бойиб кетадиган бўлди.

Фойдаси йўқ бойдан без, панаси йўқ сойдан без.

Ёмонсиз яхши бўлмас.

Қайғусиз қора сувга семиради.

Ит йўқ жойда чўчка хуради.

Дўстингдан сирингни яширма, душманингга чинингни айтма.

*

ЎЗГАЛАР ҲУЖУМИ

(Атака чужих)

Фантастик филм

Режиссёр — Марк Бэкер

Ролларда — Коттер Смит,

Дейдри О, Коннел

1996 йил. «Старгейт энтертейнмент»

Ушбу киноасар ҳақида кўпгина илиқ гаплар айтиш мумкин. Филм ўзига хос услубда суратга олинган бўлиб, унда ўзга сайёралардаги ривожланишларга нисбатан бўлган дастлабки муносабатлар ҳақида фикр юритилади.

...Тасодифми-йўқми, бироқ шу нарсани аниқ, америкалик олимлар Марсга учирган космик аппаратлардан бири Ерга қайтади. Уша аппарат жўйлаштирилган базада ҳаёт шакли вужудга келади.

КАБЕЛЧИ

(Кабельщик)

Трагикомедия

Режиссёр — Бен Стайлер

Ролларда — Жим Керри, Метью Бродерик.

1996 йил «Коламбия пикчерс».

Кино мухлисларига «Ниқоб», «Эйс Вентура» номли кинокомедиялардаги комик роллари орқали яхши таниш бўлган актёр Жим Керри, бу киноасарда ҳам ажойиб образни талқин этган. Шўх, кулгили воқеалар билан бошланган бу кинофилм қаҳрамонлари орасидаги муносабат аста-секин жиддийлашиб боради...

Бир ҳафта мобайнида 40,6 миллион доллар тўплаган бу филм АҚШ ва Канаданинг 50 та энг яхши киноасарлари

**ЭЛ ҚУЛОҒИ —
ЭЛЛИК****ҚОЗОҚ МАҚОЛ — МАТАЛЛАРИ**

Тани соғлиқ — тенгсиз бойлик.

Борлиқ не дегизмайди, йўқлик не егизмайди.

Оғайнинг бор бўлсанг, кўролмайдиган, йўқ бўлсанг — беролмайди.

Оғрик — ошдан, даво қариндошдан.

Отадан туғилганда олтов эдик, ўла-ўла етов қолдик.

Ошиққан етмас, буюрган кетмас.

Икки кўчқорнинг боши бир қозонга сиғмайди.

Туя бўйига ишониб йилдан куруқ қолибди.

Очликда еган қўйқанинг таъми оғзингдан кетмайди.

Ота кўрган ўқ йўнади, она кўрган тўн бичади.

Уйдан чиқсанг — бойга кўн, бой топмасанг — сойга кўн.

Эркаги кўп ер — ўтинга, аёли кўп ер — сувга ёлчимади.

Ақлсиз от қулун билан, ўйнайди, ақлсиз одам бола билан ўйнайди.

Жаҳл — олдин, ақл — кейин.

Келганча меҳмон уялади, келгандан кейин мезбон уялади.

Кўнгил кири — айтса кетади, қўйлақ кири ювса кетади.

Эл қулоғи — эллик.

Қозоқ тилидан Махмуд САЪДИЙ таржимаси.

рўхатида ўнинчи ўринни эгаллайди.

ИЛОН УЯСИ

(Логово змея)

Триллер

Режиссёр — Жеффри Райнер

Ролларда — Жефф Фейхи,

Лисса Би, Мидвей Антони

1995 йил. «Кушнер — Лок Интернэшнл»

Том Беннет (Жефф Фейхи) оиласи билан янги уйга кўчиб ўтганидан сўнг бошига турли ғав-

экранлаштирилган барча кинофилмлар катта муваффақият қозониб келмоқда.

Рухий касалликлар шифокори Жон Портер (Майкл Гросс)нинг онаси ва сингисининг сирли ўлими ҳамда қандайдир алвастилар кичик шаҳар аҳолисига қутилмаган хавф-хатар келтиради.

Шифокор ўз қизи Мишелнинг янги дугоналаридан бирини сингисининг қотили бўлмиш алвастига жуда ўхшатади. Шундан сўнг филм воқеалари янада ривожланади.

**ТИРИК
НИШОН**

(Живая мишень)

Жангари филм

Режиссёр — Ма-

рк Айзенберг

Ролларда —

А.Абдулов, А.Фатюшин, А.Пороховишчиков

1994 йил. Россия.

Филмда аввало машхур актёрлардан тузилган рўйхат томошабин эътиборини ўзига жалб этади.

Бундан ташқари киноасарда рэкет, гиёҳвандлик, пул, хуллас мафиячилар ва уларнинг кирдиқорлари ҳақидаги ажойиб кадрлар суратга олинган.

Кинофилмни томоша қилар экансиз, каскадёрларнинг қизиқарли усуллари билан ҳам баҳраманд бўласиз.

**Видеотасмаларга
ёзилган янги филмлар
билан қизиқувчилар
қуйидаги телефонлар-
га кўнғирок қилишлари**

мумкин:

77-13-44

77-67-12.

**ВИДЕО
ОЛАМИДА**

ғолар ёғила бошлайди. Шубҳали кўшчилар, қандайдир қора мушук ва бошқа кўпгина ғалати ҳодисалар Томнинг тинч ҳаётига халақит бераётгандек эди.

Ҳақиқий даҳшат эса бир пайтлар шу уйда яшаган ва вафот этган археолог-олимнинг сингиси Лилит (Лисса Би) келиб, акаси билан қолган нарсаларни олиб кетмоқчи бўлганида бошланади...

**УЛАР ГОҲИДА ЯНА
ҚАЙТИШАДИ.**

(Иногда они возвращаются снова)

Стивен Кинг романи асосида экранлаштирилган.

Режиссёр — Адам Гроссман.

Ролларда — Майкл Гросс, Алексис Аркветт, Хиллари Суонк.

1995 йил. «Тримарк Пикчерс» Америкалик машхур ёзувчи Стивен Кинг асарлари асосида

Дераза

**ЮЗ БИЛАН
ЮЗЛАШИБ**

Исроил давлатида бир асрлик тўйини нишонлаган қариялар сони 400 нафарга етибди. Бу мамлакатда ўртача умр кўриш даражаси ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада ўсди: аёллар ўртача 79, эркаклар эса 75 ёшга киришмоқда. Бундай кўрсаткичнинг сабабини турмуш даражасининг, тиббий измат кўрсатишнинг, озиқ-овқатлар сифатининг юқори савияга кўтарилаётгани билан боғлашмоқда.

СЕВГИ НАМОЙИШИ

Олмон ёшларининг Берлинда ўтказилган учрашуви «Севги намоиши» деб номланди ва унда бутун мамлакатдан тўпланган 750 минг йигит-қиз қатнашди. Ўнлаб машхур ва замонавий ғуруҳлар, таниқли кўшиқчилар уларнинг хизматида бўлди.

**ОЛИМПИАДАНИНГ
ФОЖЕАЛИ САҲИФАСИ**

Дунёнинг 190 дан зиёд мамлакатидан келган қучли спортчилар ўз номларини олимпиада тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиш учун кураш олиб бораётган пайтда террорчилар ҳам бекор туришмаяпти. Атланта шаҳри марказидаги «Олимпиаданинг 100 йиллиги» номли бомба портлатилгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Оқибатда, икки киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳат олдилар.

**ТИЛЛАГА ТЕНГ
МАШИНАЛАР**

Россияда қабул қилинган янги қарорга биноан чет элдан мамлакатга келтирилаётган машиналар учун тўланадиган божхона солиғи миқдори 1х1 қилиб белгиланди. Яъни, чет элда 10 минг долларга сотиб олинган машинани Россияга олиб ўтиш учун божхонада яна худди шунча солиқ тўлаш лозим бўлади.

ТҮРТ ОЁҚЛИ ҲОЗ

Хабаровск вилоятидаги посёлкалардан бирида тухумдан тўрт оёқли, уч қанотли ғозча чиқди. Умуман, бу ерда кейинги пайтларда бундай ҳоллар бот-бот учрайдиган бўлиб қолган. Ветеринар врачлар ва эколог олимлар бу ҳолининг сабабини экологик вазиятнинг бузилиши ва шу атрофдаги денгиз портларида сақланаётган эски атом сувости кемалари билан боғлашмоқда.

ЎҒРИНИНГ**ЯКШАНБАСИ ЙЎҚ**

Белоруссиядаги «Октябрь» номли шиша заводида ўғирлик содир бўлди. Ўғирлар дам олиш кўнларининг бирида шахсий қоровуллар ғуруҳининг эътиборсизлигидан фойдаланиб завод ҳудудига кириб олишди ва 130 миллион рубллик платина бўлақларини ўмариб кетишди.

ХАВФЛИ ЎЙИНЛАР

Италиялик олимлар «Денди» ва шу каби видео ўйинларга ҳаддан зиёд берилиб кетиш ҳам бола соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, дейишмоқда. Бутун диққатни бир нуқтага қадар туриш оқибатида кўзнинг толиқиши ва марказий нерв системасининг зўриқиши юз берар экан.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ТАФОВУТ

Йигит ва қиз, эркак ва аёл ўртасидаги физиологик, психологик ва бошқа тафовутлар ҳақида тўхталиб, руҳшунослар жумладан қуйидагиларни ифодалайди:

1. Йигитларда қизларга қараганда ўз фикрларини тез-тез ўзгартиришга мойиллик бор.
2. Эркакларнинг териси қалин, овози эса йўгон бўлади.
3. Эркаклар тез-тез баҳслашишади, лекин сир сақлай олади.
4. Эркакларнинг кундузги кўриш қуввати яхши.
5. Оғриқ эркакларда кучли асорат қолдирмайди.
6. Эркаклар аёлларга нисбатан тез қарийди, аммо уларда ажин кеч пайдо бўлади.
7. Қасалликка қарши курашда эса эркаклар кучсизроқ.
8. Эркак кам гапирса-да, ўзи ҳақида кўп уйлайди.

ЭЪЛОН

Республика, вилоят, туман газеталари муассислари, тахририятлари диққатига! Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви республика, вилоят, туман ҳамда кўп нусхали газеталар учун ГАЗЕТА ҚОҒОЗИ сотади.

Қоғознинг нархи: 1 тоннаси 60 минг сўм.

Шу йилнинг III-IV чорагида келтириладиган навбатдаги туркум учун жамғарма билан шартнома тузган ташкилотлар имтиёзли нархларда қоғоз олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: 44-37-86, 44-37-87.

Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви

БИЛАСИЗМИ?

Туш пайтига бориб Кўёш хиралашса, ҳавонинг айланиши тайин.

Юлдузларнинг одатдагидан кўра кўпроқ жимирлаши ҳам ҳавонинг айланишидан дарак беради.

Қора булутларнинг пастлаб, тез сузиб юриши ўзоқ давом этадиган ёмғир белгиси.

Гуллар одатдагидан кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғиши эҳтимоли бор.

Айрим меваги дарахтлар ёз фасли охирида иккинчи марта гулласса, куз яхши келади.

Қузда терак барглариининг учидан саргайиши келгуси баҳорнинг эрта келишидан, бандидан сарғая бошлаши эса кеч келишидан нишона.

Товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир ўзоқ давом этади.

Қора чигирткалар тўнда тўхтовсиз чирллаб турса, об-ҳаво яхши бўлади.

Мўшукнинг сув олдида серкатнов бўлиб қолиши об-ҳаво айланишидан далолатдир.

Кундузи иссиқ, кечаси эса совуқ бўлса, ҳавонинг ўзоқ муддат очиқ бўлиши кутилади.

ШАЪРИКЛАЙМИЗ!



Қадрли
МАЛИКАХОН ва
ХУСНИДДИНЖОН!

10 йил биргаликдаги турмушингиз муборак. Ҳамиша дилларингиз хушнуд бўлиб, бизларга меҳр-саховат улашиб, қўша қаринглар.

Кеннойингиз.

Суюкли қизимиз **ГҲЗАЛ!**

5-август, туғилган кунинг қутлуг бўлсин. Ота-онанг ва ўғилчанг бахтига соғ-саломат бўл. Барча эзгу-ниятларингда Оллоҳ сенга ҳамроҳ бўлсин.



Аданг **Убайдулло,**
Опанг **Латифа.**

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги А. Авлоний номли маданият уйининг мусиқачиси, ҳурматли адажонимиз ва буважонимиз



Абдулла **ТОЛИБ**
ўгли!

Сизни 1996 йил 30 июл куни — қутлуг 60 ёшга кирган кунингиз билан А. Авлоний номли маданият уйи жамоаси, «Сўғдиёна» ансамбли аъзолари ҳамда оиламиз онахони рафиқангиз Мастурахон,

фарзандларингиз Дилнавоз, Дилафруз, Алишер, Фахриддин ҳамда Журабеклар қизгин табриклаймиз.

Сизга чинор каби ўзоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Рафиева Муқаддас Сиддиқовнага:

Ҳурматли **МУҚАДДАС** опа!

Сизни муборак ёшингиз билан юзлаб шогирдларингиз номидан таб-



риклаймиз! Биз қаерда бўлмайлик, доимо Сиз ургатган иш услублари, маҳорат мактабингизнинг сабоқларига амал қилиб, соҳада куплаб ютуқларни қўлга киритмоқдамиз! Бу Сизнинг ютуқларингиз! Инсонийликни, меҳр-оқибат, одоб ва муомала намуналарини Сиздан олиб, кам бўлмадик!

«Муқаддас опанинг қўлида ишлаганда!», деган ибора яхши, ибратли ишларимизнинг мезони бўлиб қолган! Бунинг учун Сизга мингдан-минг раҳмат!

Муқаддасдир исмингиз — аъло нур таратар!

Муқаддасдир касбингиз — зиё, савоб тарқатар!

Соғ булинг, фарзанд ва набираларингиз бахтиёр ҳаёти нурларида хушвақт бўлиб юринг!

С. Раҳимов тумани, 395-болалар богча жамоаси номидан Нурхон

Ҳурматли **Васила**
ЖАВБОРОВА!

Сизни 1-август, муборак таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Илоё, беморга жон бахш этувчи шифокор қўлларингиз толмасин! Соғ-саломат юриб, ўзоқ умр кўринг.

Оиламиз аъзолари номидан уқангиз Абдували.

Меҳрибон волидамиз
ЁҚУТХОН ая!



Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга ўзоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша бор бўлинг.

Ўғлингиз **Аббосхон,** келинингиз **Наргизахон,** набирангиз **Рузиматхон.**

Хонобод қишлоғи

Муҳтарам **Инобатхон**
АЗИМОВА!

Қутлуг 65 ёшингиз муборак бўлсин!

Келгусида Сизга ўзоқ умр, тансиҳатлик ва осуда бахтли ҳаёт, хонадонингизга файз-баракат тилаб қоламиз.

Омон ва Насиба **НУРХУЖАЕВ**лар.



Мен сизларга иккита савол билан мурожаат қилаяпман:

1. Қандай автобуслар «шаҳар атрофига қатновчи йўналишдаги автобуслар» ҳисобланади?

2. Ижарадаги ва хусусий автобусларда текин ва чипта нархнинг 50 фоизини тўлаб юриш ҳуқуқини берадиган гувоҳномалар ўтадимми?

А. ТАҢМАТОВ, Фалло-рол тумани

1. Шаҳар ҳудудидан 50 километр масофагача четга қатновчи автобуслар «шаҳар атрофи йўналишларидаги автобуслар» ҳисобланади. Бунда масофа шаҳар ҳудуди чегарасидан эмас, балки автобус йўлга чиққан бекатдан бошлаб ҳисобланади.

2. Ижарадаги ва хусусий автобусларда текин ҳамда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни тан олиш ёки олмасликни автобусни ижарага бераётган ташкилот ва ҳайдовчилар мустақил равишда ҳал қиладилар.

Умумий фойдаланишдаги жамоат транспортига моддий зарар етказган фуқароларга нисбатан қандай жавобгарлик чоралари кўзда тутилган?

С. РЎЗИКУЛОВ, Сирдарё вилояти.

Фуқаролар томонидан умумий фойдаланишдаги жамоат транспортига моддий зарар етказилганда (масалан, ойна ёки ўриндиқлар синдирилса), икки нусхада далолатнома тузилиб, унда шу фуқаронинг исми шарифи, уй манзили, иш жойи, шунингдек, воқеа содир бўлган жой аниқ кўрсатилади. Келтирилган зарар миқдори аниқлангач, фуқаро уни тўлаши шарт. Агар у бундан бош тортгудек бўлса, бу ҳол далолатномада қайд этилади ва чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилади.

Бугунги кунда фуқароларнинг қайси тоифалари шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоятлараро) йўналишларидаги автобусларда бепул ҳамда имтиёзли нархда юриш ҳуқуқига эга?

А. АЗИЗХОНОВ, Бўка тумани

Йўловчиларнинг қуйидаги тои-

фаларига:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони соҳиблари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Марказий аппарати ҳамда шу жамғармага қарашли матбуот нашрининг масъул ходимлари — шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро автобусларда текин юриш;

2) «Меҳнат Қаҳрамони», учала даражали «Шуҳрат» ордени, 1 даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондорлари, чернobilчилар, собиқ Иттифок, Ўзбекистон Республикаси ва маҳаллий аҳамиятга эга шахсий пенсионерлар — ўзлари яшаб турган шаҳар ёки қишлоқ тумани ҳудудидан ва шаҳар атрофи йўналишида бепул, йилига бир марта эса шаҳарлараро автобусда ҳам бепул юриш (бориш-келиш);

3) 2-жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, партизанлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, «Ленинград мудофааси учун» медали, «Қамалда қолган Ленинград фуқароси» нишони билан мукофотланганлар, 2-жаҳон уруши 1-гуруҳ ногиронларини кузатиб борувчилар (бир кишидан ортиқ бўлмаслиги керак) — ўзлари истиқомат қиладиган шаҳар ва қишлоқ тумани ҳудудидан, шаҳар атрофи йўналишида текин, ҳар йили 1 октябрдан 15 майгача шаҳарлараро автобусларда чипта баҳосининг ярми (50 фоизи)ни тўлаб юриш;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари — ўзлари сайланган ҳудуддаги жамоат транспортида бепул юриш;

5) милиция, суд ва прокуратура ходимлари — ўзлари истиқомат қиладиган ва хизмат вазифаларини бажараётган шаҳар, қишлоқ тумани ва шаҳар атрофи йўналишидаги автобусларда текин юриш;

6) «Ўзавтотранс» Давлат акционерлик корпорацияси, транспорт бошқармалари, автотрестлари ва корхоналарининг масъул ходимлари, назорат-тафтиш бошқармаси мутахассислари — шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро автобусларда текин юриш;

7) умумий фойдаланишдаги автобус ҳайдовчилари ва чипта сотувчилари, «Фахрий автотранспорт-

чи» нишони соҳиблари — шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида текин юриш;

8) трамвай, троллейбус ва автобус ҳайдовчилари ҳамда шу тармоқда камида 15 йил ишлаб нафақага чиққанлар, ишлаб чиқариш жараёнида ногирон бўлиб қолганлар — шаҳар ер усти транспортида текин юриш;

9) ёш муаллимларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун бериладиган Ўзбекистон давлат мукофоти совриндорлари — шаҳар жамоат транспортида текин юриш (30 ёшга тўлгунларига қадар) ҳуқуқи берилади.

Шаҳарлараро йўналишларда қатновчи автобусларда ёш болаларни олиб юриш тартиби қандай?

Ш. КУДРАТОВА, Қарши шаҳри.

Шаҳарлараро йўналишда қатновчи автобусда йўловчига 5 ёшгача бўлган битта болани алоҳида жойни банд қилмай текин олиб юриш ҳуқуқи берилади. Агар 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой банд қилинадиган бўлса, йўлқира ҳақининг ярми (50 фоизи)ни тўлаб чипта олинади. Боланинг ёши 10 дан ошган бўлса, унинг учун тўлиқ нархдаги чипта олиниши шарт.

ЭСЛАТМА: текин ва имтиёзли юриш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Қарор ва Фармонларига асосан берилади ёхуд бекор қилинади. Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар (мулкчилик шаклидан қатъий назар)га бундай ҳуқуқ берилмаган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июндаги 289-сонли Қарори).

Газетхонлардан келган саволларга жавоб тайёрлашда яқиндан кўмаклашгани учун «Ўзавтотранс» ДАК бошқаруви раисининг муовини М. М. АЛИЕВга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ким қандай изоҳлайди?



С. Маҳмамов сурати

Сўнги устун

ЮЛДУЗЛИ РЕКОРД

АҚШнинг Оклахома штатида юз нафар парашютчи бир неча уришдан кейин янги жаҳон рекордини ўрнатишди. Ана шу спортчилар ҳавода бир-бирларининг қўли ва оёқларидан ушлаб ягона юлдузча ясашида ўзларининг олдинги рекордларини янгилادилар.

ВЕЛОСИПЕДНИ ТЕСКАРИ МИНИБ

Германиялик Кристиан Фабрици хамшаҳарлари нафақат велосипедда сайр қилиш ишқибози, балки яхшигина скрипкачи сифатида ҳам тан олишади. Кристиан велосипедга тескари миниб олади-да, скрипкасини чалиб кетверади. Охирги марта у шу кўйи тўхтовсиз 54 километр йўл босган эди. «Велосипед ҳайдаш ва мумтоз куйлар жону дилим», — дейди жаноб Фокс.

ЭПЧИЛ ПОЛИЦИЯЧИЛАР

Франция жандармериясида эпчил ва ҳаққон полициячилар хизмат қиладиган дейишса, ишонаверинг. Уларнинг 32 нафари битта АҚШ полиция мотоциклига бирийўла миниб олиб, бир неча ўн метрни босиб ўтиб буни исботладилар.

ТОҒЛАР ЧОРЛАГАНДА

Зеландиянинг шимолидаги оролардан бирида номи «атиғи» 85 ҳарфдан иборат тоғ бор. Бу тоққа чиқиш унчалик қийин эмасдир, эҳтимол. Аммо унинг номи ни айтиш энг моҳир алпинистларни ҳам қийнаб қўйиши тайин.

САМОЛЁТЛАР БИЛАН БЕЛЛАШИБ

АҚШлик бир жаноб самолётлар билан беллашиб, 515 тонна кучланишга дош берди. Яъни 2 та «Чероки» русумли тўрт ўринли энгил самолёт уни икки қўлидан 2 томонга тортди. Лекин суперменликка даъвогар бу жаноб самолётларни бир неча минут ушлаб турди ва «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олди.

СЕМИЗЛИКНИ ҚЎЙ КЎТАРАДИ

Италиялик машҳур опера қўшиқчиси Лучано Паваротти кейинги йилларда сезиларли даражада семирди кетди ва ҳозир оғирлиги 154 килограммни ташкил этмоқда. Бу ҳол тенорнинг овозига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. Оқибатда, у бир неча концертларини қолдиришга мажбур бўлди. Барбадосда дам олаётган пайтида эса учта оромкурси унинг оғирлигига дош беролмай синиб кетди.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САФАРОВ
набатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0455 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.